



АМИРЛИК ВА ХУКМДОРЛИК ТУЗУГИ

Хос ул-хос навкарларимдан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришни буюрдим, чунки улар асли тоза, пок наслик, акл-фаросатлик, баходир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олдини ва оркасини ўйлаб иш тутадиган кишилар эди. Уларнинг хар бирига ўринбосар тайинладим. Агар амирлардан биронтаси вафот этса, у холда, ўринбосари унинг ўрнига ўтиради ва уни «амирликка номзод» (мунтазир ул-аморат) деб атайдилар. Менинг бу уч юз ўн уч амирларимнинг бариси акл-хуш эгалари, базму разм шерлари, махоратли саркарда, лашкар тўпини бузиб, уни маглуб этувчи кишилар эди. Тажрибамдан синаб билдимки, жангнинг сир-асрорини, ганим аскарларини синдириш йўлини билган, уруш кизиганда ўзини йўкотмасдан, кўл-оёғи бўшашмасдан, лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар кўшин сафига рахна тушса уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва хукмронликка лойик хисобланади..

Шундай киши амир ул-умаро бўла оладик, мен йўғимда базм-размда ўринбосарим бўлиб, шон-шавкат ва махобат билан бутун сипохга буйрук бериб, унга каршилиқ килганларни. жазолай оладиган бўлсин.

Уч юз ўн уч кишидан тўрт нафарини бегларбеги этиб, бир кишини амир ул-умаро килиб тайинлашни буюрдимки, унинг ҳукми юришларда, урушларда амирлар ва бутун сипох томонидан сўзсиз ижро этилсин. У ўзим боримда йўлдошим, йўғимда эса ўринбосаримдир.

Гайратли, ор-номусли бўлган яна ўн икки кишига ушбу тартибда амирлик даражасини

бердим:

Биринчи амирга минг кишига буйрук бериш хакини бериб, уни амир килиб тайинладим. Иккинчи амирга икки минг кишига буйрук бериш хакини бериб, мазкур икки минг аскарга амир этиб қўйдим. Шунга ўхшаш учинчи амирни — уч минг, тўртинчисини — тўрт минг, бешинчисини — беш минг ва шу тартибда ўн иккинчи амиргача қўпайтириб бориб, олти мингдан ўн икки миутача аскарга амир этиб белгиладим. Амирлик тартибига караб, бирини иккинчисига ноиб этдим. Масалан, биринчи амирни иккинчи амирнинг ноиби, иккинчи амирни учинчи амирнинг ноиби, шу тартибда ўн биринчи амирни ўн иккинчи амирнинг ноиби килиб белгиладим. Ўн иккинчи амир эса амир ул-умаронинг ноиби бўлди. Амир ул-умаро эса менинг ноибим хисобланади. Кайси бир амирга бирор кор-хол бўлса, ўрнига ноиби ўтурсин.

Яна буюрдимки, ўша уч юз ўн уч кишидан юзтаси — ўнбоши, юзтаси — юзбоши, юзтаси — мингбоши бўлсин. Жанг пайтида амир ул-умаро — амирларга, амирлар — мингбошиларга, мингбошилар — юзбошиларга, юзбошилар — ўнбошиларга бошлик деб буйрук бердим. Шунингдек, ўнбошининг ишини — юзбошига, юзбошининг ишини — мингбошига, мингбошининг ишини — амирга, амирнинг ишини — амир ул-умарога буюрмасинлар. Ўнбоши билан битарлик ишни юзбошига, юзбоши битирса бўладиган ишни мингбошига юкламасинлар. Амирлардан кайси бири ўзи кизикиб иш сўрар экан, унга буюрса бўлур.